



Кунига 5 600 эмас 32 591 сўмдан кўп даромад олган одам камбағал эмас. Исботи



Кун.уз сайтида қисқача мазмуни жойлаштирилиб: “Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш...”, деб аталган ва бу сайтнинг Ютубдаги каналида тўлиғича эълон қилиниб: “O'zbekistondagi Nobelchilar tajribasi, kambag'allik va kurash. Obid Hakimov bilan suhbat” [1], деб аталган [видео-суҳбатда](#), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари, Президент Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори Обид

Ҳақимов:

“Ўзбекистонда камбағаллик ҳақидаги гаплар 2020 йилнинг бошидан бошланди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг парламентга мурожаатида бу масала кўтарилди. Давлат раҳбари мамлакатдаги камбағаллик кўрсаткичи 10-15 фоиз оралигида эканини айтганди. Бу рақам қаердан келган? Таъкидланганидек, одамларнинг кунлик минимал харажатлари бор. Ўрта паст даромадли мамлакатлар учун ушбу мезон 3,2 АҚШ долларини ташкил этади. Бунда 3,2 доллар айнан эмас, шу қийматда турли давлатларда тўлов қобилияти маҳаллий валютадаги рақамга ўзгартирилади. Яъни харид қилиш қобилияти паритетининг конвертация коэффициентини (PPP conversion factor) ҳар йили Жаҳон банки томонидан эълон қилинади. Масалан, 2018 йил Ўзбекистон учун 1 АҚШ долларининг PPP қиймати 1784 сўм этиб белгиланганди. 2020 йилда бажарилган ҳисоб-китобга кўра, киши бошига 3,2 АҚШ доллари, яъни 5,600 сўм тўғри келиб, Ўзбекистонда шунча маблағ ишлаб топган одам камбағал эмас. Шу ўлчам асосида, Ўзбекистонда 9-10 фоиз атрофида камбағаллик мавжуд”, – деган ўз фикрларини билдирганидан сўнг, Кун.уз сайтнинг ўқувчилари, Ютубни томоша қилувчи ижтимоий тармоқлардаги ватандошларимиз уни қаттиқ танқид қилишиб, ўша жойларда бир қанча кичкина-кичкин мақолачалар ва видеокўрсатувлар эълон қилишган ва уни устидан кулмоқчи бўлганлар. Лекин булардан хабар топган




Обид Ҳақимов мутбуот анжумани ўтказиб. Ютубда эълон қилинган: “«5 600 so'm daromadi bor odam kambag'al emas». Obid Hakimov nimani nazarda tutgandi?”, деб сарлавҳа қўйилган [видеокўрсатувдан](#) [2] кўришиб турибдики у, бу масалани кенгрок тушинтиришга ҳаракат қилган ва юқоридаги видеоиктибосда танқидга учраган фикрларига изоҳ бериб:

“...Биз 2020 йили Жаҳон банки билан бирга ҳисоблаб кўрганмизда ҳам бу тўлов қобилияти паритети айррим коэффициентларга кўра 6000-6500 сўмга тенг чиққан...” – деган

гапларни ҳам айтган. Шунинг учун бу масаларни мутлақо тушинмайдиган ватандошларимиз унинг фикрларини танқид қилишни янада кучайтирганлар, дейиш мумкин.


Мен шундай танқидий чиқишлардан бир нечтасини ўқиб ва кўриб чиқиб, бу масалани ҳеч ким таҳлил қилиб, Обид Ҳақимовнинг фикрлари, у айтаётганидек ростдан ҳам тўғрими ёки нотўғрими? У: “Ўрта паст даромадли мамлакатлар” – деганида қанақа мамлакатлар тоифасини назарда тутган? 2020 йилда бажарилган ҳисоб-китобга кўра, киши бошига 3,2 АҚШ долларига, яъни 5 600 сўмга тўғри келганлиги учун, Ўзбекистонда шунча маблағдан кўп пул ишлаб топган одам камбағал эмас, дер экан, у нималарни назарда тутган? – деган саволлар пайдо бўладики. Бу саволларга на Обид Ҳақимовнинг ўзи, на тегишли мутахассислар, ва на будай масалаларни мутлақо тушинмайдиган унинг ижтимоий тармоқлардаги танқидчилари жавоб бермаган ёки бера олмаганликларини аниқлар эканман. Мен бундай саволларга Обид Ҳақимовнинг фикрлари ва изоҳлари ҳамда уларга нисбатан бўлган танқидий фикр ва мулоҳазалар пайдо бўлишидан қарайиб 3 ярим ой олдин ўзим раҳбари бўлган “Fundamental iqtisod” ilmiy-amaliy jurnalда 2020 йилнинг 20 июлида эълон қилинган: “Амалпараст Хидирназар Аллақулов нега халқимизни алдаяпти?” – деган [мақоламда](#) тўлиқ жавоб бериб, шу мақолам асосида тайёрланиб, Ютубдаги ‘Mulohaza’ деган каналимда 4 ноябрда айнан шундай ном билан эълон қилинган [видеокўрсатувим](#)нинг иккинчи қисми 12-



минуту 52-секундидан 15-минутига ва 20-минуту 14-секундидан 21-минутининг 56 секундига қадар қарайиб тўлиқ жавоб берган эканлигимни таъкидлар эканман. Бу масалалар бўйича ўз фикрларимни қисқача баён қилиб, уларни мақола ва видео-кўрсатув шаклида эълон қилишни мақсадга мувофиқ деб топдим.

Шундай қилиб мен юқорида айтилган мақолам ва уни асосида тайёрланган видеокўрсатувимнинг 2-қисмида таъкидлаганимадек, жаҳон банки 2013 йилдан бери барча давлатлар ва ҳудудларни 4 тоифага бўлиб келади. Бу 4 тоифанинг чегаралари 2019 йили қандай ном ва рақамлар билан ифодаланганлигини юқорида номи тилга олинган мақолам ва шу мақола асосида тайёрланган

видеокўрсатувимнинг иккинчи қисмида баён қилиб бўлганимдан сўнг. 2019 йили Жаҳон банки ўзининг “Атлас” деган усулида ҳисоблаб топиб Ўзбекистон Ялпи миллий даромадининг (қисқача – ЯМД) [қиймати 60 395 960 085](#) (олтмиш млрд. 395 млн. 960 минг 85) АҚШ долларига тенг деб кўрсатгач. Бу ҳақро молиявий муассаса Ўзбекистоннинг Ялпи миллий даромади унинг аҳолиси жон бошига қанчадан тўғри келишини аниқлаб, уни яхлитлагач **1 800** АҚШ долларига эквивалент қилиб белгиланган. Шунинг учун ҳам бу банк Ўзбекистонни: **Аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ўрта даражадан паст бўлиб**, яъний 1 036 АҚШ долларидан 4 045 АҚШ долларигача, камбағаллик чегараси эса 3,2 АҚШ долларига тенг бўлган 3-тоифа мамлакатлар [каториға](#) киритган.



Демак Обид Ҳақимов Кун.уз билан ўтказган видео-суҳбатида Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткилари тўғрисида гапирар экан, у “*ўрта паст даромадли мамлакатлар*” деганида Жаҳон банки белгиланган тоифалар бўйича: **Аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ўрта даражадан паст бўлган мамлакатларни назарда тутган экан десак**, бу айни ҳақиқат бўлади ва унинг сўзларига равшанлик киритади.

Мен юқорида номи тилга олинган мақаламни ёзаётганимда бу йилига **1 800** АҚШ долларига тенг кўрсткич ўзбек миллий валютасининг 2020 йил 7 июлдаги курси бўйича **18 332 514** сўмга, 1 ойлиги – 148 АҚШ долларига ёки **1 527 709** сўмга, бир кунлиги эса – 4,93 АҚШ долларига ёки **50 256** сўмга тенг эканлигини аниқлаган эдим.

Жаҳон банкининг 2020 йилдаги тавсиясига асосан қилинган ҳисоб-китобларга кўра, киши бошига бир кунга тўғри келган АҚШнинг 3,2 доллари – 5 600 сўмга тўғри келганлиги учун, Ўзбекистонда шунча маблағ ишлаб топган одам камбағал эмас, дер экан: Обид Ҳақимов нималарни назарда тутяпти? – деган савол туғилладики бунга шундай жавоб бериш мумкин:

Обид Ҳақимов бу масалада Ўзбекистонда аҳоли жон бошига кунига 4,93 АҚШ долларига тенг ёки 50 256 сўмга тўғри келадиган Ялпи миллий даромад билан боғлиқ 3,2 долларга тенг камбағаллик чегарасининг у “*Ҳарид қилиш қобилияти паритетининг конвертация қилиш коэффициентини*” деб, мен эса – “*Сотиб олиш қобилиятининг конвертация қилиш коэффициентини*” деб атаган коэффициентнинг 1 АҚШ доллари 1784 сўмга тенг деб қабул қилиб олиниши натижасида ҳисоблаб топилган натижа ёки қиймат 5600 сўмга тенг экан, деб тушиниш керак.

Демак Обид Ҳақимов аслида 2018 йили Ўзбекистонда жон бошига тўғри келган бир йиллик Ялпи миллий даромад 2 020 АҚШ долларига тенг бўлсада, бундай даромаднинг жон бошига бир кунга тўғри келадиган қиймати бўйича камбағаллик чегараси 5 600 сўмга тенг демоқчи бўлган, десак бу жуда ҳам тўғри бўлади.

Аммо 2018 йили Ўзбекистонда жон бошига тўғри келган 2 020 АҚШ долларига эквивалент Ялпи миллий даромаднинг камбағаллик чегараси бўйича Обид Ҳақимов аниқлаган 5 600 сўмга тенг миқдор бу қандай кўрсаткич эканлигини тушинмайдиган ватандошларимизга, бу рақам жуда ҳам оз: 2 та оби ноннинг нархича кўриниб, улар бу амалдорни қаттиқ танқид остига олганлар.

Лекин бу камбағаллик чегарасини мен ўзимнинг “*Амалпараст Хидирназар Аллақулов нега халқимизни алдаяпти?*” деб аталган мақолам ва видеокўрсатувимнинг 2-қисмида **32 591** сўмга тенг деб ёзганман ва айтганман. Шунинг учун ҳам Обид Ҳақимов ва муштарийларда: *Ўзбекистондаги жон бошига бир кунга тўғри келадиган ЯМД бўйича 32 591 сўмга тенг камбағаллик чегарасини қандай аниқлагансиз?* – деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Бу савога жавоб бериш учун, Обид Ҳақимов ва муштарийлар эътиборини, биринчи навбатда, Жаҳон банки ўзининг сайтыда Ўзбекистонга ўхшаш аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ўрта даражадан паст бўлган 3-тоифадаги мамлакатлар учун 3,2 АҚШ долларига тенг [камбағаллик](#) [3] ва 1,9 АҚШ долларига тенг [қашшоқлик](#) чегараларини 2011 йилнинг 1 июлидаги сотиб олиш қобилияти паритети бўйича аниқланган эканлигига қаратмоқчиман. **Чунки 2011 йилдан 2019 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистоннинг миллий валютаси 4,87 марта ёки 487 фоизга қадрсизланган ёки девальвацияга учраганки, буни Ўзбекистондаги жон бошига тўри келадиган бир кунлик Ялпи миллий даромад бўйича камбағаллик чегарасини аниқлашда албатта инobatга олиш зарар.** Бундай ечилмаган муаммо ёки масала мавжуд эканлигини эса нафақат Обид Ҳақимов ва Ўзбекистоннинг бошқа мутахассислари, ҳаттоки Жаҳон банкининг тегишли мутахассислари ҳам билмайдилар, десам бу ҳам ҳато бўлмайди. Чунки улар жон бошига 1 кунга тўғри келадиган ЯМД билан боғлиқ 2011 йили аниқланган **3,2** АҚШ долларига тенг


Country	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Uzbekistan	1,800	1,800	1,800	1,800	1,800	1,800	1,800	1,800	1,800

Ушбу кўрсаткичнинг тафсилотлари қуйидаги таблицанинг 1-қисмида келтирилган.

Ушбу кўрсаткичнинг тафсилотлари қуйидаги таблицанинг 1-қисмида келтирилган.

камбағалик чегараси, Ўзбекистонда бизнинг миллий валютамиз ва АҚШнинг доллари жуда катта девальвацияга учраганлиги учун, 2019 йилга келиб – **15,58** долларга тенг бўлиб қолганлигини ҳамда **1,9** АҚШ долларига тенг қашшоқлик чегараси – **9,25** долларга тенг бўлиб қолганлигини мутлақо билишмайди ва тушинишмайди десак, бу ҳам сира хато бўлмайди.

Жаҳон банкининг бу масалага бағишлаб ўз сайтида эълон қилган ва дунё мамлакатларининг Харид қилиш қобилияти паритетини (рус тилида: *Паритет покупательной способности*, қисқача –



ППС) конвертация қилиш коэффициентлари жойлашган ва 176 та мамлакат учун 2017 йили тузилиб, 2011 йилги маълумотларни ҳам ўз ичига олган ва биринчи марта 2020 йилнинг 20 майида эълон қилинган жуда катта(юқорида кўрсатилган) [жадвалида](#), бу ишга мамлакатимиз қўшилмаганлиги учун, Ўзбекистоннинг маълумотлари унда ўз аксини топмаганлигини инобатга олиб. Ўз ҳисоб-китобларимда ишлатилган 2011 йили 602 сўми ва 2019 йили 2 091,2 сўми 1 АҚШ долларига тенг бўлган Харид қилиш қобилияти паритетининг конвертация қилиш коэффициентларини мен Жаҳон банки сайтидаги, скриншоти ва гиперҳаволаси илова қилинаётган,

[саҳифадан](#) олганман.

Жаҳон банки ўз маълумотларини ҳар йили 1 июл ҳолатига [янгилаб](#) боришини инобатга олиб, 1 АҚШ доллари бизнинг миллий валютамизда Ўзбекистон Марказий банкининг валюталар архивида мавжуд бўлган 2011 йилнинг 1 711,66 сўмига ва 2019 йилнинг 1 январидиги 8 336,25 сўмга тенг деб қабул қилганимдан сўнг. Улар асосида шу давр ичида Ўзбекистоннинг миллий валютаси бўлмиш сўмимиз 4,87 марта қадирсизланганлигини ҳисоблаб топиб, уни Ўзбекистонда жон бошига тўғри келадиган бир кунлик Ялпи миллий даромад бўйича камбағаллик чегараларини аниқлашда ишлатганман.

Шунинг учун ҳам менинг ҳисоб-китобларимда Президент Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори Обид Ҳақимовдан фарқли ўларок. Сотиб олиш қобилияти паритети бўйича Ўзбекистонда жон бошига тўғри келадиган бир кунлик ЯМД бўйича камбағаллик чегараси, у айтганидек 5 600 ёки 6 000-6 500 сўмга эмас, балки – **32 591 сўмга**, бир ойлиги эса – **977 731 сўмга**, ўртача 5 кишидан иборат бир оиланинг 1 ойлик камбағаллик чегараси эса – **4 888 654 сўмга** тенг чиққан.

Демак **2018 йилги Ўзбекистоннинг жон бошига тўғри келадиган бир кунлик Ялпи миллий даромади бўйича камбағаллик чегарасини Жаҳон банки тавсиясига асосан 5 600 сўмга тенг деб аниқлаган Обид Ҳақимовда ҳеч қандай айб йўқ**. Чунки бу халқаро банк шу масала бўйича 2011 йилдан бери Ўзбекистонда унинг миллий валютаси – сўм ва АҚШ доллари жуда ҳам катта девальвацияга учраганлигини билмаган ва буларни инобатга олувчи тавсиялар бермаган. Бизни мутахассисларимиз эса бу масалада бош қотириб ҳам ўтирмаганлар. Машҳур халқаро банк бўлмиш Жаҳон банкидан йирик киритилган олаётган мамлакатимиз мутахассислари, шу жумладан Обид Ҳақимов, бу банк ҳам шундай камчиликларга йўл қўйиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаган.

Ушбу мақолани ёзиётган кунларим эса: Ўзбекистоннинг жон бошига тўғри келадиган бир кунлик Ялпи миллий даромади бўйича камбағаллик ва қашшоқлик чегараларининг мен аниқлаган миқдорлари бошқа постсовет давлатларидаги шундай кўрсаткичларга яқин келадими ёки йўқми? – деган саволга жавоб бериш учун: Қирғизстон, Қозоғистон ва Россиянинг ҳам шундай кўрсаткичларини аниқлаб, уларни таққослаб кўриш мақсадида, илгари рус тилида мақола ёзиш учун тайёрлаб қўйган жавдалимга жойлаштириб, уни ушбу мақолага илова қилганман.

Лекин расмий камбағаллик даражаси Қирғизстон, Қозоғистон ва Россияда яшаш минимуми асосида аниқланади ва матбуотда эълон қилиб борилади. Бу мамлакатлар учун мен уларнинг валюталарида аниқлаб, сўмга конвертация қилиб, куйидаги жадвалда акс эттирган камбағаллик чегаралари, уларнинг расмий маълумотларига анча яқин келади. Шунинг учун ҳам мана шу маълумотлар мен эълон қилаётган жадвалдаги Жаҳон банки нормаларига мен киритган ўзгартириш эътиборга олинган ҳолда аниқланган маълумотлар тўғри эканлигини яққол исботлайди десам, бу ҳам сира хато бўлмайди, деган фикрдаман.

Мана шу таҳлилларим асосида мен ҳукуратимизга ва Президент Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказига камбағаллик чегараси масаласидаги мен киритган ўзгаришни Жаҳон банки маъмуриятига етказишни ва бу масалани тўғри йўлга қўйиш учун камбағаллик чегарасини яшаш минимуми асосида аниқлаш усулларини жорий қилишни, бунинг учун эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 26 мартдаги ПФ-5975-сон “*Иқтисодийтни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан*

янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни таклиф қиламан.

Таблица данных по чертам бедности по Валовому национальному доходу на душу населения (ВНД) в день и месяц, а также ср. семьи из 5-ти чел. в месяц по Узбекистану и некоторым др. странам

Страна	Индикатор	Черта бедности на 1-го человека в день по нормам ВБ в долл. США	Курс валют на		коэффициент по периоду	Коэффициенты		Черта бедности на 1-го человека в день по нормам ВБ в экв. валютах	Черты бедности		
			2019 г.	2011 г.		пересчета по ППС			на 1-го человека в:		на 5 человек в месяц
			2019 г.	2011 г.		2019 г.	2011 г.		день	месяц	
Узбекистан	Ед. изм.		сум/долл.США		без разлор.	сум РУз/долл.США		в суммах РУз	в суммах Узбекистана		
	Кол-во	3,2	8336,25	1711,66	4,87	2091,2	602	6692	32591	977731	4888654
	Ед. изм.		сум/руб.РФ		без разлор.	сум РУз/долл.США		в руб. РФ	в рублях России		
	Кол-во	3,2	153,17					43,7	212,8	6383	31917
Кыргызстан	Ед. изм.		сом Кыр./долл.США		без разлор.	сом Кыр./долл.США		в сомах Кыр.	в сомах Кыргызстана		
	Кол-во	3,2	69,85	45,2	1,54	16,7	15,7	53,4	83	2477	12384
	Ед. изм.		сум РУз/сом Кыр.		без разлор.	сом Кыр./долл.США		в суммах РУз	в суммах Узбекистана		
	Кол-во	3,2	126,73					6772	5767	173006	865029,97
Казахстан	Ед. изм.		тенге Каз./долл.США		без разлор.	тенге Каз./долл.США		в тенге Каз.	в тенге Казахстана		
	Кол-во	5,5	384,2	146,27	2,63	132,1	82,1	727	1908	57252	286259
	Ед. изм.		сум РУз/тенге Каз.		без разлор.	тенге Каз./долл.США		в суммах РУз	в суммах Узбекистана		
	Кол-во	5,5	25,02					18178	47748	1432439,1	7162195,5
Россия	Ед. изм.		руб. РФ/долл.США		без разлор.	руб. РФ/долл.США		в руб. РФ	в рублях России		
	Кол-во	5,5	72,50	28,35	2,56	25,7	18,4	141	361,5	10845	54227
	Ед. изм.		сум РУз/руб. РФ		без разлор.	руб. РФ/долл.США		в суммах РУз	в суммах Узбекистана		
	Кол-во	5,5	153,7					21725	55565	1666948,4	8334742,1

Адабиётлар рўйхати

1. Кун.уз. O'zbekistondagi Nobelchilar tajribasi, kambag'allik va kurash. Obid Hakimov bilan suhbat (<https://www.youtube.com/watch?v=ppiEYqkRAA&feature=youtu.be>).
2. Кун.уз. «5600 so'm daromadi bor odam kambag'al emas». Obid Hakimov nimani nazarda tutgandi? (<https://www.youtube.com/watch?v=d3EsqUIDnZQ>).
3. Purchasing power parity (PPP)(US\$ = 1) (<https://databank.worldbank.org/embed/ICP-2017-Cycle/id/4add74e?inf=n>).
4. PPP conversion factor, GDP (LCU per international \$) – Uzbekistan <https://data.worldbank.org/indicator/PA.NUS.PPP?locations=UZ>
5. There are multiple international poverty lines. Which one should I use? <https://datahelpdesk.worldbank.org/knowledgebase/articles/193308-there-are-multiple-international-poverty-lines-wh>.

Муаллиф: **Рустамжон Абдуллаев**, иқтисод фанлари доктори, академик.